

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ИНСОН ИЖТИМОЙ МОҲИАТИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14510040>

Раматов Жуманиёз Султанович,

Тошкент давлат транспорт университети,
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Аннотация. Мақолада инсон муаммоси, унинг моҳияти, табиат ва жамиятдаги ўрни, ўзига хос хусусиятлари, инсон билан табиат ўртасидаги мувозанат масаласи, глобаллашув жараёнларининг инсон табиатига, маънавиятига таъсири, инсонлар ўртасидаги муносабатлар каби масалалар мутафаккирлар асарлари орқали таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. инсон, жамият, табиат, маънавият, муносабат, меҳр-оқибат, инсонийлик, самимийлик, урф-одат, ҳаётнинг маъноси.

Инсон – фалсафанинг бош мавзуси. Инсоннинг моҳияти, унинг табиат ва жамиятдаги ўрни, ўзига хос хусусиятлари, ҳаётнинг маъноси каби масалалар қадимги даврлардан бери алломалар, мутафаккирларнинг баҳс-мунозараларига, тортишувларига сабаб бўлиб келмоқда.

Билиш фалсафасида биз илмий билиш объектларини учтага ажратиб кўрсатамиз. Булар табиат, жамият ва инсон. Шу учала объект ичида энг мураккаби, энг қийини инсон ҳисобланади. Донишманд Сукрот «Ўзингни англа» деган ҳикматли сўзи ҳар бир тарихий даврда янгича аҳамият касб этади. У айтмоқчи, инсон оламни билишдан олдин ўзини билиши зарур. Мен кимман ўзи, нима учун яшайпман, яшашдан мақсад нима, ҳаётнинг мазмуни нима, деган саволларга жавоб топиши даркор.

Улуғ мутасаввуф Абдулҳолиқ Ғиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган. Фалсафада баҳс юритиладиган барча масалалар инсон муаммосига бевосита дахлдордир.

Нима учун инсон мураккаб мавжудот? Унинг мураккаблиги нималарда кўринади? Бизнинг фикримизча, бу масаланинг 2 хил талқини мавжуд. Биринчиси. Инсон яратувчи, бунёдкор, ижодкор мавжудот. У ўз билими, тажрибаси ва меҳнати билан табиат ва жамиятни қайта қуради, ўзига мос шарт-шароит яратади ва уни такомиллаштиради. Биз ҳозирги даврда нимагаки эришган бўлсак, барчасининг яратувчиси инсондир. Кишилиқ

жамиятининг жимийиб, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳ.к. соҳаларидаги ўзгаришлар, янгиликлар, кашфиётлар, ихтироларнинг асосий сабабчиси – ИНСОН. Унинг ақл-идроқи, фаҳм-фаросати, билими, кўникмалари, қобилияти, меҳнати туфайли булар амалга ошади. Қадимда ота-боболаримиз эшак-араваларда ҳафталаб йўл босиб, Самарқандга етиб боришган. Ҳозирги пайтда эса “Афросиёб” тез юрар поезде бу масофани 2 соат сал ортиқроқ вақтда босиб ўтади. Ўша давр кишисига “келажакда шундай ҳодиса бўлади”, деб айтсангиз, у сизга ўзингизни бир табибга кўрсатиб қўйишингизни маслаҳат берган бўлар эди. Ҳозирги замон кишисига “келажакда сайёҳлик фирмаларидан йўлланма олиб, ўзга сайёраларга саёҳат қилиш мумкин бўлади”, десангиз, бу ҳолатга таажжубга тушмайди ва шундай бўлиши мумкинлигини эътироф қилади. Ҳозирги кунда илм-фан ва техника тараққиёти шу даражада тез суръатлар билан ривожланаяптики, бирорта соҳада (автомобил, телефон ёки телевизор ишлаб чиқариш) 5-6 йилдан кейинги ихтироларни эмас, балки кейинги йилдаги янгиликларни ҳам башорат қилишнинг имконияти йўқ. Шу жойда бир латифа. Бир япон кишиси суҳбатдошига қўлини мушт қилиб, “қўлимда нима яширинган?”, деб сўрабди. Суҳбатдоши “японлар ҳар балони ўйлаб топишади”, деб ўйлаб, ҳазиллашиб “телевизор бўлса керак”, деб жавоб берибди. Шунда япон кишиси “Баракалла, тўғри топдингиз. Фақат нечта телевизор?”, деб сўраган экан.

Энди эса танганинг иккинчи томони. Дунёдаги энг ваҳший, энг вайронкор, энг ёвуз жонзот бу – инсон. Тирик мавжудотлар ўзига турдош ҳайвонларни ўлдиришмайди, масалан, айиқ айиқни, тулки тулкини. Фақат инсон ўзига ўхшаш инсонларни йўқ қилиш учун вақтини ҳам, маблағини ҳам, имкониятларини ҳам аямайди. Кишилиқ жамияти тарихини ўргансангиз, инсоният фақат жуда қисқа даврлардагина бир-бири билан урушмаган. Ҳар қандай давлатнинг бюджетини асосий қисми мудофаага ажратилади. Тинчлик даврида армия энг катта исроф қилувчи ташкилотдир. Армияга озиқ-овқат, кийим-кечак, ҳарбий техника, қурол-яроғ, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар жуда катта маблағни ташкил қилади. Статистик маълумотларга қараганда, барча давлатларнинг йиллик ҳарбий харажатлари 3 триллион долларга тенг экан. Ҳозирги кунда дунёнинг турли бурчакларида давом этаётган ҳарбий низолар, тўқнашувлар, урушлар натижасида қанча бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмдилар, қанчаси ўз уйи, мол-мулки ташлаб, бошқа давлатларда сарсон-саргардон бўлиб юришибди, қанчадан-қанча тарихий-маданий иншоотлар ер билан яксон қилинди. Масалан, Сурия, Ироқ, Фаластин, Украина каби давлатлардаги аҳволни айтиш мумкин. Агарда ҳақиқатан ҳам инсон оламдаги энг ақлли мавжудот бўлса, барча давлатлар

ўзаро келишиб, бир-бирларига уруш қилмаслик, босқинчилик қилмасликка қарор қилишганда, ўша 3 триллион долларни мактаблар, шифохоналар, театрлар, кутубхоналар қуришга, ҳарбий соҳадаги йирик олимларни давоси йўқ касалларнинг давосини топишга жалб қилиш мумкин бўларди. Афсуски ...

Инсоннинг мавжудлиги учун энг зарур 3 та нарса бор: сув, ҳаво, тупроқ. Инсон ўзининг неча минг йиллик фаолияти натижасида, ўзининг битмас-туганмас эҳтиёжларини қондириш йўлида сувни ҳам, ҳавони ҳам, тупроқни ҳам расвосини чиқарди. Табиат инсон учун “омборхонага” айланиб қолди. Орол денгизи қуриб қолишининг сабабчиси ким, борган сари ўрмонларнинг камайиб кетиши, айрим ҳайвонларнинг “Қизил китоб”га киритилиши кимнинг айби билан бўлаяпти? Албатта асосий айбдор – ИНСОН.

Энди инсон мураккаблигининг иккинчи талқини. Бизга маълумки, инсон биоижтимоий мавжудот. Унда биологик организм сифатида барча тирик жонзотларга хос бўлган табиий эҳтиёлар мавжуд. Яъни овқат, сув, ҳаво, уйқу, насл қолдиришга бўлган эҳтиёжлар. Лекин инсон ижтимоий мавжудот сифатида тил, онг, тафаккур, дунёқараш каби хусусиятларга ҳам эга. Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари ичида муомала, мулоқот қилиш эҳтиёжи ўта муҳим аҳамиятга эга. Инсон ҳеч ким билан мулоқот, муомала қилмаса, у руҳан эзилади. Чунки овқатланиш ёки уйқу инсонга қандай энергия, куч-қувват берса, яқинлари, дўстлари, қариндошлари билан мулоқот қилиш ҳам инсонга шунчалик энергия беради. Шу йил октябр ойида Урганч Мамун университетида илмий конференцияда иштирок қилдик. Конференция тамом бўлгач, Хоразмдаги укаларим, сингилларим, қариндошларим билан дийдор кўришдим, ҳол-аҳвол сўрашдик, кейин бобомнинг, отамнинг, онамнинг қабрларини зиёрат қилдим, уларнинг руҳларига тиловат қилдим. Хоразмдан Тошкентга қайтишда ўзимда шундай бир руҳий хотиржамлик, осойишталик, энергия сездимки, буни сўз билан ифодалашга тил ожизлик қилади. Лекин замонавий психологлар муваффақиятга эришган, омадли инсонлар билан иложи борица кўпроқ мулоқотда бўлишни ва, аксинча, омадсиз, иши юришмаган, ҳар доим ҳаётдан, турмушдан шикоят қилиб, нолиб юрадиган инсонлардан узоқда бўлишни тавсия қилишади.

Лекин цивилизация деймизми, жамиятлар ривожланиши деймизми, борган сари инсонлар ўртасидаги муомала, мулоқот, бир-бирларига оқибатли бўлиш каби хусусиятлар камайиб бормоқда. Ота-онамиз, ака-укаларимиз билан дийдор кўришидан кўра мобил телефон орқали икки-уч оғиз гапириш билан кифояланамиз. Баъзан эса телеграм орқали бир сатр хабар юборамиз, холос. Яқиндагина бошимиздан кечирганимиз пандемия давридаги ҳолатни эсга олсак. Ҳамма ўз уйида бўлиши, бозорлар, дўконлар, таълим муассасалари ўз

фаолиятини тўхтатган ҳолда, менимча, одамлар моддий қийинчиликлардан эмас, балки маънавий қийинчилик, яъни бошқалар билан мулоқотда бўлиш имконияти йўқлигидан қийналишди. Шу ўринда Ғарб давлатлари халқлари билан Шарқ халқларининг карантин шароитини, чекловлар ҳолатини қандай бошдан кечиришлари билан ҳам бир-бирларидан фарқ қилишини кўриш мумкин. Маълумки, Ғарб кишисига ўзини кўпроқ ўйлаш, фақат ўзи ҳақида қайғуриш, индивидуаллик, худбинлик хусусиятлари хосдир. Улар фикрича, ҳаёт Аллоҳи Таоло томонидан фақат унга берилган ва бу ҳаётни қай тарзда ўтказиш фақат унинг ўзигагина боғлиқ. Атрофдагилар, кўни-кўшни, ҳамкасбларнинг унинг ҳақидаги фикрлари уни умуман қизиқтирмайди, яъни уйланиш ёки бўйдоқ юриш, нима еб, қандай кийим кийиши, қандай уйда яшаши, қандай машинада юриши – булар унинг шахсий иши. Ҳар ким ўзи учун яшайди. Ҳеч кимнинг бу масалаларга аралашишга ҳаққи йўқ.

Шарқ халқларига эса кўпроқ жамоавийлик хусусиятлари хосдир. Кўпгина тадбирлар жамоа иштирокида ташкил қилинади. Масалан, олдинги пайтларда биронта ҳам одам қурувчиларни ёллаб, уй-жой қурмас эди. Оммавий ҳашар эълон қилинади ва барча инсонлар келиб, биргаликда, иш ҳақи олмасдан, уйни тиклашади. Иморат қуриш барчанинг олдида турган вазифа бўлганлиги учун одамлар оғринмасдан келиб ҳашарда қатнашар эдилар. Ҳашар қилиб ариқлар қазилар, боғ-роғлар барпо қилинар, масжид, мадраса, кўприклар қурилар эди. Бу азал-азалдан давом этиб келган. Тўй-ҳашам, турли хил маросимлар биргаликда ўтказилар эди. Ўша пайтлар тўйлар одатда ҳовлида ёки йўлнинг икки қисмини тўсиб қўйиб, кўчаларда ўтказиларди. Эрталаб бериладиган ошдан бир кун олдин кечки пайт тўй эгасининг уйида сабзи тўғраш деган тадбир бўлар эди. Одамлар ўзаро мулоқотда бўлишар, ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-бирларининг ҳолидан хабардор бўлишарди. Бировнинг ахлоқсизлик қилган боласига танбеҳ бериш одатий ҳол бўлган. “Бир болага етти маҳалла ота-она”. Кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлари билан муносабатларда ҳам самимийлик, бағрикенглик, тотувлик, оқибатлилик каби хислатлар устувор эди.

Илгари шундай гап бўларди: кўп қаватли уйларда яшайдиганлар кўшнисининг ким эканлигини билишмайди. Ҳозир эса участкаларда яшайдиган баъзи одамлар ҳам ён кўшнисини яхши билишмайди. Олдинлари хонадонда ўтказилган барча маросимлар, тадбирлар (тўй, туғилган кун, ақиқа, суннат, юбилей ва хоказо), кафе, ошхона ва тўйхоналарда ўтказилмоқда. Айрим хонадонларда ҳафталаб, ойлаб қозон қайнамайди. Тўғри, булар албатта аҳолимиз турмуш даражаси, даромади ошганлигини ҳам англатади. Лекин турмуш фаровонлигининг ошиши азал-азалдан мавжуд бўлиб келган, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, самимийлик, оқибатлилик, бағрикенглик каби

фазилатларни мустаҳкамлайдиган урф-одат, анъаналармизнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келмаслиги керак.